

Ўзбекистон президенти маъмуриятига яқин манбамизнинг хабар беришича, диктатор Каримов 2014 йил 11 июль кунини, МХХнинг юқори мартабали ходимлари билан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда МХХнинг республика аппарати бўлим бошлиқлари ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси бошқарма бошлиқлари иштирок этган.

Ўтказилган тадбирнинг асосий мавзуси мамлакат ичкарисидаги, хусусан, пойтахтдаги ички хавфсизлик чораларини ҳамда республиканинг чегара ҳудудларидаги назорат чораларини янада кучайтириш бўлганлиги айтилмоқда.

Сўнги кунлар ичида мамлакат пойтахтида ва чегара ҳудудларида хавфсизлик чоралари фавқулодда кучайтирилгани кўпчилиكنинг



## ҚЎРҚАНГА ҚЎШ ҚЎРИНА БОШЛАДИ: КАРИМОВ МХХНИНГ ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ ЗОБИТЛАРИНИ ТЎПЛАДИ

этиборини тортди. Хусусан, июль ойининг илк кунларида Тошкент кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётган зирхли машиналар — БТРлар пайдо бўлганди. Баъзи кузатувчилар ҳарбий техниканинг Тошкент кўчалари бўйлаб юришини мустақиллик байрамига тайёргарлик билан боғлаган бўлса ҳам, шу пайтгача ҳеч қачон бундай ҳолат кузатилмаган.

Кучишлатар тизимлардаги манбаларнинг билдиришича эса, июль бошларида Тошкентнинг Буюк Ипак Йўли (собик Луначарский) кўчасида БТРларнинг пайдо бўлишига бошқа воқеалар сабаб бўлган. Хусусан, бу БТРлар Чирчиқдаги танк ҳарбий ўқув юртига қарашли қисмдан келтирилган бўлиб, улар президентнинг Кўксарой (Дўрмон) қароргоҳи атрофида жойлаштирилиши давом этмоқда. Ҳарбий техника билан биргаликда Чирчиқдаги қисм аскарлари ҳам Кўксарой қароргоҳи яқинида қуриб битказилган янги ҳарбий қисм

биносига кўчириб келтирилиши давом этмоқда.

Юқорида санаб ўтилган воқеалар президент Каримовнинг шахсий хавфсизлигини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган бўлса, мамлакатнинг чегара ҳудудларида сўнги бир ой ичида ўтказилган баъзи тадбирлар сарҳадлардаги хавфсизликни фавқулодда кучайтиришга қаратилган.

Бу ҳолатни, айниқса, республиканинг Афғонистонга чегара Сурхондарё вилоятига кириб келишда яққол сезиш мумкин. Жумладан, Дарбанд ҳудудида паспорт назорати аввалгига қараганда кучайтирилган.

Шу билан бирга, Термиз чегарасидаги ҳарбий тайёргарликка эга бўлган “Бургут” махсус бўлинмаси ҳам сафарбарлик ҳолатига келтирилган.

Сурхондарёдаги МХХ чегара қўшинлари бир неча ойдирки кучайтирилган тартибда ишлашмоқда.

Вилоятдаги манбамизнинг хабар беришича, МХХ зобитлари ҳатто тушлик пайтида ҳам хоналаридан чиқишмаяпти.

Маълумки, жорий йилнинг 26-27 июнь кунлари Фарғона вилоятига сафар қилган президент Ислом Каримов фермерлар билан ўтказилган учрашувда муҳожиротдаги ўзбек муҳолифатини тилга олиб, муҳолифатнинг Ўзбекистонга қайтиб кела олмаслигини “башорат” қилганди.

Бироқ, Каримовнинг “Улар энди Ўзбекистонга қайтиб кела олишмайди, чунки биз мустаҳкам пойдеворга туриб олдик”, — деган фикрлари ортидан мамлакатда хавфсизлик чоралари ва назорат янада кучайтирилди. Бу эса диктатор ўзи яратган сохта барқарорликка ўзи ҳам ишонмаслигидан, доимий ҳавотир ва кўрқув ичида эканлигидан далолат беради.

**ЎХХ ахборот бўлими**

ДИККАТ КИДИРУВ!!!  
РОЗЫСК!!!



## Ўзбекистонда ёлғиз қарияларни тунаш ва ўлдирганликда айбланганлар устидан ҳукм чиқарилди

Ўзбекистон Бош прокуратураси жиноят тергов бошқармаси ёлғиз қарияларга нисбатан содир қилинган қасддан одам ўлдириш ва босқинчилик фактлари бўйича суриштирувни ниҳоясига етказди. Бу ҳақда маҳаллий ОАВ хабар тарқатди.

Жорий йилнинг 27 июнь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Ж. Қосимов ва Н. Ўразовлар жиноий тўдаси аъзоларига нисбатан очилган жиноят иши бўйича ҳукм чиқарди. Унга кўра юқорида тилга олинган шахслар айбдор деб топилган.

Суд ҳукмига кўра жиноятда айбланаётган эркакка нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси, аёлга нисбатан эса қаттиқ тартибдаги колонияда ўталиши шарт билан 15 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Ундан ташқари, Бош прокуратуранинг жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш учун қиритган даъво аризасини ҳам қаноатлантирган.

Эслатиб ўтамиз, пойтахт пенсионерларини деярли бир йил давомида кўрқиб яшашга мажбур қилган жиноятчилар ўтган йилнинг кузида қўлга олинганди. Суриштирув

мобайнида аниқланишича, эркак ва аёл жуфтлиги коммунал хизмат, тиббиёт муассаса ҳамда ижтимоий таъминот ходимлари сифатида ўзларини таништирган ҳолда ёлғиз қарияларнинг ишончини қозониб уларнинг уйларига кириб олишган. Ундан кейин эса зўравонликлардан тортиб қотилликкача бўлган турли жиноятларни содир қилишган.

UZBEK.FM

## Камчаткадаги ақсарият меҳнат муҳожирлари Ўзбекистонлик

Камчатка минтақаси прокуратурасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Жамоат кенгаши ва жамоат бирлашмалари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. REGNUM ахборот агентлиги муҳбирининг прокуратура маълумотларига таяниб хабар беришича, Камчатка прокуратураси 2014 йилнинг беш ойи мобайнида 8653 та чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга кўйилган, 4117 та шахс эса рўйхатдан чиқарилган.

Минтақадаги чет эллик муҳожирлар билан боғлиқ вазиятни агентлик муҳбири куйидагича таърифлайди:

«Минтақа худудида 4207 та чет эллик меҳнат муҳожирлари расмий равишда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Ҳар доимгидек «яқин хориж» ўлкаларидан келган

муҳожирлар орасида Ўзбекистон, «узок хориж» ўлкаларидан келган муҳожирлар орасида эса Хитой фуқаролари етакчи. Уларнинг асосий меҳнат фаолияти қурилиш соҳаси билан боғлиқ.

Чет эл фуқаролари орасидаги жиноятчилик даражаси пастлиги сақланиб қолинмоқда. Беш ой давомида улар томонидан 35 та жиноят содир қилинган бўлиб, асосан, ўғирлик билан боғлиқ жиноятлардир. Бирок, номусга тегиш ва ҳужжатларни сохталаштириш жиноятлари ҳам учраб туради.

Чет эл фуқароларига қарши эса еттита жиноят содир қилинган бўлиб улар орасида ҳам ўғирлик етакчи ўринда.

Кўпгина ҳолатларда жиноят қурбонлари Ўзбекистон фуқаролари бўлиб чиқмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

## Ўзбекистонда ғалла йиғими мавсумида дизел ёқилғиси нархи 11,6%га ошди

Ўзбекистонда дизел ёқилғисининг чакана нархи жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ўртача 11,6%га оширилди.

Бу ҳақда 30 июнь куни «Дизел ёқилғиси чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 174-сонли Қарори қабул қилинди.

Қарор матни сешанба куни маҳаллий нашрларда эълон қилинди.

Ҳужжатга кўра бир литр дизел ёқилғисининг чакана нархи 11,7%га оширилиб — 1910 сўм (Марказий банк курси бўйича 0,82 АҚШ доллари), «ЭКО» дизел ёқилғиси эса 11,5%га оширилиб — 1990 сўмгача (Марказий банк курси бўйича 0,86 АҚШ доллари) қилиб белгиланди. Бозордаги аввалги нархлар 2014 йилнинг 9 январидан бошлаб амалда эди. Ёқилғининг бошқа турлари нархлари ўзгартирилмаган.

«Ўзбекнефтьгаз» МХК таркибига кирувчи ва республикадаги нефть маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни бирлаштирувчи «Ў з н е ф т м а х с у л о т л а р и» акциядорлик компанияси автомобил ёқилғиларига

бўлган нархнинг оширилиши сабабларини очикламади. Бозор мутахассисларининг фикрича, нархларнинг оширилиши июнь ойи бошларида ғалла йиғими бошланганлиги муносабати билан ушбу тур ёқилғи таъминотида юзага келган дефицит билан боғлиқдир.

Тошкентдаги кўпгина автомобилларга ёқилғи куйиш шаҳобчаларида ва вилоят марказларида дизел ёқилғиси сотилмаяпти. Қора бозорда эса дизел ёқилғисининг нархи бир литри учун 3500 сўмгача кўтарилган.

Ўзбекистондаги юк транспортининг ақсарияти ва йўловчи транспортининг салмоқли қисми дизел ёқилғисида ҳаракатланади.

Республикадаги Бухоро, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишловчи заводларнинг умумий қуввати 11, 12 млн. тоннани ташкил қилади.

Бирок, амалдаги нефть казиб олиш конларидаги захиранинг тугаб бориши заводлар фаолиятига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

## Мустафо Жамил: «Миллий ҳаракат давом этади»

Кирилм-татарлари лидери ва Украина Парламенти депутаты Мустафо Абдужамил Қиримўғли Туркиянинг «TRT TÜRK» телеканалига берган интервьюсида қирим-татарлари миллий Мажлиси раиси Рефат Чубаровнинг Қиримга киришига қўйилган таъқиқ борасида изоҳ бераркан: — «Россия Қирим масаласида 1700 йиллардаги сиёсатини такрор қўлламоқда», — дея таъкидлади.

«Ўша вақтларда Россия императори Екатерина Қиримнинг Россия таркибида бахтли ҳаёт кечиришини ваъда бериб, шундан сўнг қирим-татарларининг лидерларини йўқ қи-

лишни бошлаган эди. Руслар Қиримда шундай шароитни юзага келтиришдики инсонлар ҳатто ўз Ватанларини тарк этишга мажбур бўлиш-ганди.

Уларнинг қўпчилиги Усмонли тупроқларига

кўчишди ва орадан бир неча ўн йиллар ўтиб ўз Ватанларида миллий озчилик ҳолига келиб қолишди», — дейди Мустафо Жамил.

Мустафо Жамилнинг сўзларига



кўра, бугунги кунда қирим-татарлари кучли босим остида яшаётган бўлишига қарамасдан миллий ҳаракат давом этади.

ЎХХ ахборот бўлими



## Турк-ўзбек муносабатларида «янги давр бошланмоқда»ми?

Тошкентга сафар қилган Туркия Ташқи ишлар вазири Аҳмад Довутўғли ўзбекистонлик ҳамкасби Абдулазиз Комилов билан музокаралар олиб борган.

Довутўғли охириги 13 йилда Туркия ҳукуматининг Ўзбекистонга ташриф буюраётган энг юқори мартабали мулозимидир. Тошкентга сафари олдида баёнот берган жаноб Довутўғли, ўзбек-турк алоқалари 2006 йилдан сўнг тўхтаб қолгани, аммо ҳозирда томонлар муносабатларни «қутқариш» учун дипломатик алоқаларни қайта йўлга қўйишга уринаётганларини айтган. Айни пайтда Туркия матбуоти Довутўғлининг сафарини ўзбек-турк муносабатларида «янги даврнинг бошланиши» дея таърифламоқда.

Довутўғлининг ташрифи арафасида Президент Каримов кутилмаганда хориждаги ўзбек муҳолифатини тилга олган.

Жаноб Каримов 1990-йиллар бошида мамлакатни тарк этган муҳолиф сиёсатчиларни «ватангадолар» деб атаган ва улар «Ўзбекистонга қайтиб кела олмасликлари» ни айтган. Бу Президент Каримовнинг сўнгги 15 йилда ўзбек муҳолифати ҳақида қилган биринчи баёнотидир.

1990-йиллар ўрталарида Анкара ва Тошкент ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашишига Туркиянинг хориждаги ўзбек муҳолифати раҳбарлари, хусусан, Муҳаммад Солиҳга бошпана бергани сабаб бўлган, деб ишонилади.

1991-йилдаги президентлик сайловларида жаноб Каримовнинг рақиби бўлган шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ 1994 ва 1999-йилларда расмий Тошкентнинг босими билан Туркиядан чиқариб юборилган. Аммо 2003 йилда ҳокимиятга келган Туркиянинг исломий илдизларга эга жорий ҳукумати турк матбуотининг таъбирича, Президент Каримовнинг инжикликларига кулоқ солмай қўйган.

Эрдўғон ҳукумати 2005 йилда ғарбнинг Андижон воқеалари юзасидан жазо чораларини қўллаб-қувватлаган ва шу йили Муҳаммад Солиҳнинг Туркияга қайтишига изн берган.

Британияда чоп этиладиган «Экономист» журнали Туркия ҳукуматининг ушбу қарори ҳақида «Туркия Муҳаммад Солиҳга эшикларини очмоқда» деб ёзган эди. Бунинг ортидан Ўзбекистондаги турк бизнесига рейдлар бошланиб кетган ва турк сериалларининг намоиши тақиқланган эди. Довутўғлининг ташрифи арафасида Туркия ҳукумати Ўзбекистон билан ўтмишда қатор сиёсий келишмовчиликлар бўлганини яна бир марта эътироф этган.

Фақат ҳозирда Анкара уларни келишмовчилик эмас, балки «тушунмовчилик» деб атамоқда. Аммо Тошкентнинг бу сиёсий баҳсларни қай йўсин қайта идрок этгани ва мурасага қанчалик тайёрлиги маълум эмас.

Манба: [www.bbc.co.uk](http://www.bbc.co.uk)



шундангина автомобилни олиш мумкин, баъзида ҳатто ранги учун ҳам қўшимча ҳақ тўлашга тўғри келади. Аксарият автомобиллар фақат АҚШ долларига сотилиши, харид шартномаси эса ҳамма вақт ҳам бўлавермаслиги ҳақида эса гапирмасаям бўлади.

Белоруссиядаги сотувлар билан шуғулланувчи “UzDaewoo” автосалони сайтида улар “GM Uzbekistan”нинг расмий дилери экани кўрсатилган. Яъни ўзимизда чиқариладиган ўзимизнинг автомобилларимиз чет элда 2 барабар арзонга сотиляпти. Ўзбекистонда эса янги автомобиль сотиб олишга ҳаракат қилган одам кўплаб қийинчиликларга дуч келади. Шу боис минилган

## “GM Uzbekistan” автомобиллари Ўзбекистонга қараганда чет элда арзонроқ

“GM Uzbekistan” автокорхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларининг ички бозордаги ва бошқа давлатлардаги нархларини қиёсий таҳлил қилган anhor.uz сайтининг ёзишича Беларуссияда “General Motors Uzbekistan” автомобиллари Ўзбекистонга қараганда арзонроқ сотилмоқда.

Хусусан, “Matiz” автомобилининг нархи \$6 800, “Nexia”ники эса \$7 800 ни ташкил этади, дейилади хабарда. Нашрнинг TUT.by белорус портали тарқатган хабарга таяниб ёзишича, ушбу нархлар 2014 йилнинг 1-31 июль кунлари амалда бўладиган “Супернархлар” акцияси доирасида белгиланган. Бунда тўловлар ҳам белорус рублларида амалга оширилади. Ўзбекистонда ушбу автомобиллар анча қиммат

туради, дея давом эттиради мақола муаллифлари. Масалан, “Matiz” автомобили, агар миллий валютада тўланадиган бўлса, нархи 21 823 100 дан 22 795 720 сўмгача бўлади. Ўзбекистон МБнинг 11.07.2014 йилдаги курси бўйича долларга қайта ҳисобланганида бу шунга мос равишда \$9 405 ва \$9 825 ни ташкил этади. “Nexia”нинг нархи миллий валютада – 31 307 500 дан 35 750 830 сўмгача, долларда – \$13 493 ва \$15 410.

Яъни “Matiz” автомобили ҳолатида нархлардаги фарқ деярли \$3 000 ни ёки 30-40%ни такшил этади, “Nexia” ҳолатида эса умуман 2 барабар қимматга тушади. Бунда Ўзбекистонда яна навбатга туриш, автомобиль нархининг 85%ни тўлаш, кутиш ва фақат

автомобилларни сотиб олишни афзал кўради. Бироқ минилган автомобиллар ҳам янгиларига қараганда анча қимматроқ.

Хусусан, минилган “Matiz” автомобилининг нархи июнь ойида 23 400 000 дан 27 000 000 сўмгача (\$10 085 дан \$11 637 гача) бўлган миқдорни ташкил этган. Эслатиб ўтамиз, Беларуссияда янги “Matiz” \$6 800 туради. Нархдаги тафовут деярли 2 барабар эканини кўриб турибсиз.

Ўзбекистондаги ва чет элдаги нархлар орасида бундай катта фарқ нима билан боғлиқлиги, нега Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар Ўзбекистон фуқаролари учун қимматроқ сотилиши – номаълум.

UZBEK.FM

## Туркия президенти лавозимига номзодларнинг якуний рўйхати эълон қилинди

11 июль кунги газеталарда эълон қилинган Олий сайлов комиссияси президиумининг № 3227 сонли қарори билан Туркия президентлиги лавозими учун бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этадиган номзодларнинг якуний рўйхати эълон қилди, деб хабар берди РИА Новости.

Президиум қарорига кўра Туркия республикаси президенти лавозими учун Акмалиддин Маҳмад Эҳсонўғли, Ражап

Тойип Эрдўғон ва Салоҳиддин Демирташлар номзодлар сифатида қайд қилинган.

Мазкур рўйхат эълон қилинган кундан эътиборан сайлов олди тарғибот даври бошланади.

Туркияда президентлик сайловларининг биринчи тури 10 август кунини бўлиб ўтади. Ғалаба қозониш учун президентликка номзод мутлақ кўпчилик овоз (50%+1) олиши керак бўлади. Агар сайловнинг биринчи турида зарур



овозлар тўплай олинмаса, 24 август куни сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтади.

Бу Туркияда президентлик учун илк маротаба бўлиб ўтаётган умумхалқ сйловларидир. Унғача президентни парламент сайлаган.

UZBEK.FM

## Украина ТИВ: Рефат Чубаровнинг Қиримга киришига таъқиқ қўйганлар жавобгарликка тортилади

«Россия, Сталинча анъаналарни давом эттирган ҳолда, қирим-татарларига нисбатан шовинистик сиёсат олиб бормоқда».

Қирим-татар халқининг Мажлис (миллий парламент) раҳбари Рефат Чубаров ҳамда қирим-татар халқининг лидери Мустафо Жамилнинг ўз она юртларига киришларига ҳеч қандай тўсиқларсиз рухсат берилиши лозим.

Мазкур баёнот тан олинмаган Қирим ҳукуматининг юқорида номи тилга олинган шахсларга қўйган таъқиқларига шарҳ сифатида 6 июль куни Украина ТИВ томонидан эълон қилинди.

«Бу Кремлнинг аҳмоқона қароридир.

Бу Қиримнинг қуролли оккупацияси ва аннексия қилинишидан бери қирим-татар халқига нисбатан Россия Федерациясининг Сталин анъаналарини давом эттирган ҳолда олиб бораётган нафрат тўла ва шовинистик сиёсати маҳсулидир», — дейилади баёнотда.

Бу ҳақда УНІАН агентлиги хабар тарқатди. Вазирликнинг қайд этишича, қоғозга ўралган «россияча кўп миллатлилик» ортида ҳар

қандай тил маданият ривожига тўсқинлик қилувчи тоталитар сиёсий режимнинг шафқатсиз юзи яширингандир. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: «Халқлар турмаси яна ўзининг адоватли тишини кўрсатди».

«Ҳар қандай нуқтаи назардан — халқаро-ҳуқуқий, сиёсий ва инсоний жиҳатдан ҳам мазкур ҳаракатлар Қирим аҳолисининг умумий норозилигини тўхтатишга бўлган чорасиз уринишни ифодалайди», — дея қайд этади Украина ташқи ишлар идораси.

Украина ТИВ Қирим автоном республикасининг аввал ҳам, ҳозирда ҳам ва бундан кейин ҳам суверен Украина ҳудудининг бир қисми бўлиб қолишини яна бир бор эслатиб ўтади.

Ўз навбатида, Украина қонунчилигини бузган ҳолда Украина фуқароси Рефат Чубаровнинг Қирим автоном республикасига киришига ноқонуний таъқиқ қўйган қирим ҳукуматининг мансабдор шахслари Украина қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

### ЎХХ ахборот бўлими

даражасининг жуда юқори ва давомли эканлигини кўрсатади.

Мазкур кўрсаткичлар американинг Foreign Policy журнали ва The Fund for Peace жамоат фонди томонидан тузиладиган дунёнинг «лаёқатсиз давлатлари» рейтингига келтирилган. МДХ давлатлари ичида малакали мутахассисларнинг четга чиқиб кетиш даражаси бўйича Беларусия ва Қозоғистон нисбатан ижобий натижа кўрсатган. Ушбу давлатларда инсон потенциалининг

четга чиқиб кетиш даражаси тегишлича 3,7 ва 3,8 балл қилиб белгиланган.

Баҳолаш мезонига кўра, 0 балл — бошқа мамлакатлардан меҳнат кадрларини жалб қиладиган мамлакат ҳисобланса, 10 балл малакали кадрлари йўқ бўлган мамлакатларга берилади.

UZBEK.FM



## Ироқ туркманлари «Ислом давлати»ги содиқликдан бош тортишди

Ҳозирда Ироқ туркманлари ҳамда «Ироқ ва Шом Ислом Давлати» (ИШИД) ўртасида аёвсиз жанглар бормоқда.

Тел-Афар шаҳрининг сунний туркманлари ўзини «Ислом халифалик давлати» деб эълон қилган террорчилар гуруҳига содиқликка қасамиёд қилишдан бош тортишди, деб ёзади ТЮРКИСТ.

Эндиликда томонлар ўртасида жанг бормоқда. Туркман қабилаларидан бирининг лидери Ҳайдар Али Чўлокнинг таъкидлашича бўлиб ўтган жанглар мобайнида иккала томондан ҳам жуда кўплар одамлар ҳалок бўлишган.

«Қурбон бўлганлар ва яраланганларнинг аниқ сони ҳақида ҳозирча бирор нарса дейиш қийин», — дейди туркман қабиласи лидери. Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Тел-Афар шаҳрини эгаллаб олган ИШИД жангарилари қочқин сунний туркманларга ўз шаҳарларига қайтишга рухсат беришганди. Эндиликда Ҳайдар Али Чўлокнинг сўзларига кўра кўплаб оилалар яна ўз уйларини тарк этишларига ва бошқа хавфсизроқ жой излашга мажбур бўлишмоқда.

Мосулнинг ғарбида жойлашган Тел-Афар шаҳри аҳолисини асосан сунний туркманлар ташкил қилади ва Ироқ шимолидаги ҳарбий ҳамда иқтисодий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга шаҳар ҳисобланади.

Шаҳарда сунний туркманлар билан бир қаторда шия мазҳабидаги туркманлар ҳам истиқомат қилишади.

ИШИД эса шияларга нисбатан фавқулотда муросасиздир. Шу сабабли ҳам аҳолининг шия қисми инқирознинг бошиданоқ шаҳарни тарк этишган.

ЎХХ ахборот бўлими



## Малакали кадрлар Ўзбекистонни тарк этишмоқда

Ўзбекистон ва Молдова малкали мутахассисларнинг хорижга чиқиб кетиш даражаси бўйича МДХ давлатлари ичида етакчи ҳисобланади, деб ёзади маҳаллий ОАВ.

2013 йил якунлари бўйича Ўзбекистон 10 баллдан 6,6 олган. Бу эса малакали мутахассисларнинг республикани тарк этиш

Рўзанинг инсонга келтирадиган фойдалари ҳақида гап кетар экан, унинг инсон саломатлигига нисбатан ўта фойдали экани энг кўп гапириладиган мавзулардан бирига айланиб қолганини айтиб ўтиш лозим. Ҳа, бу ҳақда бугун бутун дунё гапирмоқда. Бундан аввал ҳам гапирган. Фақат худосиз жамиятларгина рўзани киши саломатлиги учун зарарли, дейишар эди. Ўзларига илм нисбатини берган бу жоҳиллар яқин-яқингача одамларга рўза соғлиқни бузувчи энг катта омил эканини уқтирмоқчи бўлиб келдилар. Рўза яқинлашиши билан коммунистик ахборот воситалари унга қарши ташвиқот ишларини бошлар эди.

Лекин шу билан бир вақтда, Исломдан, Қуръондан, шариатдан умуман беҳабар халқ ва юртлар вакиллари улардаги билим ва тиб хизматлари рўзанинг инсониятга, хусусан соғлиқ соҳасида қанчалик фойдали экани ҳақида кашфиётлар қилишар, тажрибалар ўтказишар, илмий асарлар ёзишар эди. Энг қизиғи, ўша рўзанинг, ихтиёрий оч қолишнинг фойдаси ҳақида гап кўтарганларнинг кўзга кўринганлари биздаги худосизларнинг катта оғалари ўрислар ичида эди. Кейинроқ бошқа тараққий этган давлатларда бу борада анча ишлар қилингани аниқ бўлди. Жумладан, Англия, Франция, Олмония ва АҚШдаги олимлар кишиларни очлик билан даволаш ҳақида сезиларли натижаларга эришдилар.

Одамлар маълум пайтлар ва мавсумларда емак-ичмакдан парҳез қилишади. Бу нарса эса турли касалликларнинг, ҳатто тузалмас дардларнинг олдини олади ёки шифо бўлади. Инсон туғилганидан то вафотига қадар узлуксиз ишлаган ҳазм аъзоларини йилнинг маълум бир ойида ярим кундан (12 соатдан) ортиқ ишлашдан тўхтаб туриши тиббий жиҳатдан фойда экани исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Ҳар ўн икки ойнинг бирида вужуднинг ишлашдан тўхтаб туриши маъносидаги рўза ҳам танга фойда келтиради ва уни турли хасталиклардан саклайди. Бунини тиббиёт фани ҳам инкор қилмайди. Вужуд бир ой давомида тубдан ўзгарган бир таъминот тартибига мослашади ва хасталикка қарши кураш қобилияти ортади, озик-овқат маҳсулотларидан тўла фойдаланиш учун зарур вақт билан таъминланади. Одам кун бўйи энгил вужуд билан ишлаш, кечаси



## Рўза ва саломатлик

эса тўла дам олиш ва куч йигиш имкониятига эга бўлади. Бу аснода кўрсатилган сабр ва тоқат, шахсият камолида катта аҳамият касб этади. Қоннинг ичкада эмас, мияда ишлаши натижасида киши соғлом фикрлайди, нарса ва ҳодисаларни тўғри баҳолайди ва дунёқарашнинг аниқлигига эришади. Демак рўзанинг зарари тўғрисидаги гап бутунлай пучдир.

Тиббиёт муассасаларида олиб борилган бир тадқиқотда қозғоқ электрофорез усули билан рўза тутганларнинг вакцина протеинлари ўрганилди ва рўзанинг вакцина протеинлари узра салбий бир таъсири бўлмаслиги олимлар томонидан эълон қилинди. Рўзанинг меъда ярасига салбий таъсири бор-йўқлиги ҳақида турли тортишувлар бормоқда. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраларига очликнинг салбий таъсири бўлган ҳоллар учрайди. Маълум бўлишича, ошқозон яраси муайян мавсумларда фаоллашади. Бу борада кўп тўхталмасликнинг аҳамиятли бир томони бор: Рўза, бошқача айтганда, рамазон ойи яранинг фаоллашган даврига тўғри келган пайтлардагина салбий таъсир қилиши мумкин. Зотан ибодат ва бошқа мавзуларда осонликни улуғловчи динимиз томонидан ҳам яра фаоллашган даврларда рўза тутмаслик мумкинлиги, яра «тинч» пайтларида рўза қазосини тутилишига йўл берилиши қайд этилган.

Тиббиёт дорилфунунларида ўтказилган йигирма йиллик кузатувларга кўра, ошқозон яра касаллиги рамазон ойида сезиларли

даражада ортган. Аммо бу, рўзанинг инсон соғлиғига зарари кўп, дегани эмас. Динимиз бундай беморларга рўза тутмасликка руҳсат беради. Яъни, рўза тутишга қурби етмайдиганлар учун рўза тутмаслик вожибдир. Зарар кўриб, машаққат чекиб рўза тутувчи беморлар рўзасини бузиш ҳуқуқига эгадирлар. Ибн Сирийн «Инсон хасталанган ҳолга тушганда рўзасини бузиши мумкин» деб ёзган.

Ҳасан Басрий: «Хасталик туфайли оёққа туришнинг иложи бўлмаган пайтда рўза очилиши мумкин» деган. Бухорий: «Нишопурда бироз хасталандим. Бу тасодифан рамазон ойига тўтти келди. Шу аснода Исҳоқ ибн Роҳавайҳ мени зиёрат қилишга келди. Ёнида бир қанча шериклари ҳам бор эди. Менга: «Ҳой, Абу Абдуллоҳ, рўзангни буздингми, йўқми?» деди. Мен: «Ҳа, буздим» дедим. Исҳоқ, «Узринг қабул этилмай қолишидан кўрқармикансан, девдим. Шунинг учун сўрадим», деди.

Рўзанинг зарарсизлигини, аксинча, соғлиқка фойдаси борлигини кўрсатувчи манбалар эса жуда кўп. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида: «Рўза тутинг, саломат бўласиз» деганлар. Инсон моддий майлларга асир бўлмаслиги, нафснинг буйруқларига кўнадиган ҳаёт кечирмаслик учун, руҳнинг жасадга ҳукмронлигини таъминловчи энг таъсирли йўл рўза эканини олимларимиз ҳам таъкидлашади.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Профессор Ҳамидуллоҳ эса шундай дейди: «Рўза ойи бўлмиш рамазон вақти-вақти билан қишга ё ёзга, йилнинг барча мавсумларига тўғри келади ва рўза тутган одам ёзнинг жазирама иссиқларида ёки қишнинг қаҳратон совуқларида турли маҳрумиятларга кўникади. Шубҳа йўқки, одам бундан соғлиқ жихатидан ҳам, руҳий жихатдан ҳам ва бошқа томонлардан ҳам фойда кўради».

Саксониянинг Дрезден шаҳридаги касалхона ходимлари Ҳенри Лахман, Бершер Бенер, Мольерилар эса, касалларни рўза туттириб даволамоқдалар. Бугун овқатланишни назорат қилиш, парҳез билан даволаш ишлари олиб борилмоқда. Рўзанинг яна бир фойдали томони шундаки у қон ишлаб чиқарилишини кўпайтиради. Рўза тутган одамнинг қонида озуқалар камайганда суяк илиги уйғонади (ишга тушади).

Шу сабабдан қонга «бой» кишилардан фарқли равишда қони кам кишилар рўза тутганларида қон ишлаб чиқариш кўпаяди.

Рўзадорнинг жигари дам олаётгани туфайли суяк илигининг қон ишлаб чиқаришга эҳтиёжи ортади ва ичакка тушган моддаларни янада яхшироқ ва соғлиқ учун бехатар қилиб қайта

ишлайди. Рўзанинг энг фойдали таъсири эса рақ касаллигининг ўсишини сусайтиради. Бунинг моҳиятини профессор Труб изоҳлаб ўтган.

Америкалик мутахассис Пол Брегг ўзининг эллик йиллик шахсий таржибаси маҳсули ўлароқ “Мўъжизакор очлик” деган китобини ёзди.

Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб рўзанинг инсон соғлиги учун энг зарур омил эканининг ўзига хос ташвиқотчисига айланди. Инсон соғ-саломат бўлай деса, рўза тутиши зарур экан. Бу эса Имом

Табароний ўзларининг “ал-Авсаг” китобида Пайғамбаримиз (с.а.в)дан ривоят қилган: “Рўза тутинглар саломат бўласизлар”, деган ҳадиси шарифнинг илмий тасдиғидир.

Энг ажабланарлиси, рўза билан даволовчилар киши соғ-саломат юриши учун йилига 28-32 кун ихтиёрий оч қолиши керак, деган хулосага келганлар. Аллоҳ таоло эса бу муддатнинг ўртачаси ўттиз кун Рамазонни биз мусулмонларга бундан ўн беш аср илгари фарз ибодати қилиб қўйган. Буюк ватандошимиз шайхурраис Абу Али ибн Сино ҳам кишиларни очлик йўли билан даволаган.

Яқин ўтмишда Сурия бош муфтийси Шайх Аҳмад Куфтару

ҳазратлари Ислом оламида рўза билан даволаш бобида анча шухрат қозонган эдилар. Айниқса у кишининг ҳузурларида машҳур спортчи, асримиз бокс тарихи афсонасига айланиб қолган жаҳон чемпиони Муҳаммад Алининг шифо топиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Баъзи аъзолари қалтирайдиган касалга мубтало бўлган Муҳаммад Али шифо излаб бормаган жойи қолмаган эди. У ўзини даволатиш учун ўттиз миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган эди.

Аллоҳ унга йигирма кунлик очликдан сўнг шифо берди. Яқинда очлик билан саратон-рақ касалидан шифо топган одамлар ҳақида ҳам хабарлар тарқалди.

Бу ерда келтирилган ва келтирилмаган барча илмий ҳақиқатлар бизнинг муқаддас китобимиз Куръони каримнинг оятларига тафсир моҳиятидадир. «Агар билсангиз (ҳозирги тиб илми тили билан айтганда: вужуд физиологиясини ва физиопатологиясини билсангиз) сизнинг рўза тутишингиз ўзингиз учун яхшироқдир» (Бақара сураси, 184-оят). Ана шундай фойдали нарсани биз мусулмонларга савоб ва маънавий ибодат қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

«Хилол» электрон журналидан



## Қозоғистонда Ҳаж зиёратига қизиқиш сусайиб бормоқда

Аммо Ҳаж зиёратига бориш истагида бўлганлар сони бунча чикмаган ва қозоғистон диний идоралари 5 минг та одам учун квота ажратишни сўрашга мажбур бўлишган.

«Умуман олганда, Саудия Арабистони коидаларига биноан ҳар бир мамлакатда яшовчи мусулмонлар умумий сонининг 0,1% миқдориди квота ажратилади. Масалан бизда тахминан 10 миллион одам ўзини мусулмон деб ҳисоблайди. Бу дегани қозоғистонликлар учун 10 минг кишигача квотага рухсат берилган. Бироқ, Ҳажга бориш учун талабнинг йўқлиги туфайли Қозоғистон диний ишлар бошқармаси фақат 5 мингта одам учун квота сўрашга мажбур бўлди», — дея вазиятга изоҳ берди Диний ишлар бўйича Агентликнинг исломий бирлашмалар билан алоқалар бўйича раҳбари Балғамбек Мирзаев.

Унинг сўзларига кўра қўшни давлатлар бўлган Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда эса бунинг тамоман акси кузатилади. Ушбу давлатларда Ҳаж ибодатини адо қилишга бўлган талабдорлар сонининг кўплиги сабаб танлов кура ташлаш орқали амалга оширилади.

ЎХХ ахборот бўлими

Муқаддас Рамазон ойи тугаганидан сўнг бир неча ой ўтиб «Ҳаж мавсуми» бошланади. Бу йил 5 мингта қозоғистонлик мусулмонлар Ҳаж ибодати учун отланиши кутилмоқда. Бироқ, йил сайин қозоғистонликлар орасида Ҳаж зиёратига бўлган қизиқиш сусайиб бормоқда, деб ёзади «Мегаполис» газетаси.

Бу йил қозоғистонлик мусулмонлар сентябрнинг учинчи чорагида Ҳаж сафарига отланишади. Ўтган йили 11 мингта қозоғистонлик Ҳаж зиёратига борган бўлса, бу йили 8 мингта фуқарога боришга рухсат берилган.

(Давоми: Боши олдинги сонда)



### Юнус алайҳиссаломнинг вафоти

Юсуф алайҳиссалом отасининг вафотидан кейин яна 23 йил яшади (146).

У вафоти яқинлашганда Исроил ўғиллари кавмидан саксон одамни ёнига йиғди.

Уларга ажалининг келганини, яқинда вафот этажагини, қибтийлардан “тангри”ман деб чиқадиган бир зўравон чиқажагини, у кирол бўлиб, Исроил ўғилларидан бўлган эркак болаларни ўлдириб, қизларини қолдиражагини, Исроил ўғилларини мудҳиш қийноқларга солажагини, унинг салтанатининг узок давом этажагини, кейин Исроил ўғилларидан Лави бин Ёқуб ўғилларидан Мусо бин Имрон исмли, узун бўйли, жингалак сочли, буғдойранг бир зот чиқиб, унинг кўли билан Аллоҳу Таоло Исроил ўғилларини Қибтий Фиръавннинг зулмидан қутқаражагини айтди. (Шу боис исроилликлар туғилган ўғилларига Имрон деб исм бердилар. Имронлар эса ўз ўғилларига Мусо деб исм қўйишди).

Юсуф алайҳиссалом жасадини отасининг ёнига қўйишни васият (147) қилди ва Яхузани Исроил ўғиллари устидан халифа тайин этди (148). Юсуф алайҳиссалом вафот этганда 120 ёшда эди (149).

Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

Юсуф алайҳиссаломнинг жасади хуш бўйларга ийланиб, мрамар тобут ичига қўйилди (150) ва Нил дарёсининг канорига кўмилди (151). Устига сув юборилиб, қабр сувга кўмилди (152).

### Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мерож кечасида Юнус алайҳиссалом билан учрашуви

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Мерож кечасида Жаброил алайҳиссалом билан бирга учинчи қат кўкка юксалдилар. Жаброил алайҳиссалом кўк қописини чалди, қоровулга:

- Оч! — деди.
- Сен кимсан? — дейилди.
- Жаброилман.
- Ёнингда биров борми?
- Муҳаммад (алайҳиссалом) бор.
- У мерож учун юборилдими?
- Юборилди, — деди Жаброил алайҳиссалом.

Кўк дарвозаси очилган заҳот,

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (15).

Юсуф алайҳиссалом билан қаршилашди (153). Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

- Эй Жаброил, бу ким? — деб сўради.

- Бу сенинг биродаринг Юсуф бин Ёқуб (алайҳиссалом)дир (154).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом салом берди. У ҳам пайғамбаримизнинг саломини олди ва деди:

- Хуш келдинг, сафо келдинг, солих биродарим, солих пайғамбар! (155)

### Дониёл алайҳиссаломнинг келиб чиқиши

Дониёл бин Хизкил ул асгар (1), пайғамбар ўғилларидан (2) Сулаймон бин Довуд алайҳиссалом уруғидандир (3).

Ҳазрати Али Дониёл алайҳиссалом хақида: “У расул бўлмаган, бир набий эди”, деган (4)

### Дониёл алахиссаломнинг асир этилиб, Бобилга олиб кетилиши

Бобил ҳукмдори Бухтуннассор Байтулмақдисни йиқиб, Исроил ўғилларининг болаларини қўмондонлари орасида тақсимлаган эди (5), бу болалар ичида Дониёл алайҳиссалом ҳам бор эди (6).

### Дониёл алайҳиссаломнинг дўстлари билан зиндонга ташланиши

Бобил халқи Бахтуннассорга арз қилиб:

- Исроил ўғилларидан асир этилган болаларни бизга беришингни истагандик, сен уларни бизга бергандинг. Аммо улар бу ерга келгандан хотинларимиз бизни танимай қўйди ва улар билан қизиқа

бошладилар, юзларини уларга бурдилар. Бу болаларни бизнинг орамиздан чиқар ёки уларни ўлдир, — дейишди.

Бухтуннассор:

- Ким кўлидаги (асир)ни ўлдирмоқ истаса, ўлдирсин, — деди.

Аллоҳга ёлворганларидан кейин Дониёл алайҳиссалом билан Хонаня, Азаря ва Мушаел (7), ўлдирилмасдан, Бобил зиндонига ташландилар.

Ўша пайтда Бухтуннассор бир туш кўрган эди (8). Фақат тушида уни ҳайратга солган нарсани унутганди (9).

Бухтуннассор кўрган тушдан кўрққан эди.

Сеҳрбозлар, қоҳинлар бу тушни йўримлай (таъбирлай) олишмаганди.

Дониёл алахиссалом зиндонди экан, бу воқеани эшитди.

Зиндончи Дониёл алахиссаломдаги гўзалликни, тўғрилиқни кўриб, унга хурмати ошганди.

Дониёл алайҳиссалом унга:

- Сен бир яхшилик қил, соҳибингиз билан орамизда орачи бўл, мен унинг кўрган тушини йўримлаб берай, — деди.

Зиндончи бу гапни Бухтуннассорга етказди.

Бухтуннассор пайғамбар ўғилларидан (11) Дониёл алайҳиссалом ва унинг уч дўстини хузурига чақирди (12).

Бухтуннассорнинг олдида сажда этмаган одам у ерда тура олмасди.

Аммо Дониёл алайҳиссалом унга сажда этмади.

- Сени менга сажда этмоқдан манъ этган надир?, — деб сўради Бухтуннассор.

- Менинг бир Роббим бор-ки, менга илм ва ҳикмат берди, ўзидан бошқага сажда этмаслигимни ҳам у амр этди. Ундан бошқасига сажда этсам, унинг менга берган илмини мендан тортиб олишидан ва мени ҳалок этишидан кўрқаман, — деди Дониёл алайҳиссалом.

Бухтуннассор Дониёл алайҳиссаломнинг берган жавобидан ҳайрат этди ва:

- Майли, сажда қилма. Сен аҳдингга вафо қилиб, яхши қилдинг, сенга берган илмини шарафини юксалтир. Энди шу мен кўрган тушнинг илми ва йўрими борми?,

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

— деб сўради у.

- Бор, — деди Дониёл алайҳиссалом (13).

- Кўрганим тушни унутдим, мени бу тушда ҳайратлангирган нарса нима бўлгани ҳақида менга хабар беринглар, — деди Бухтуннассор.

Дониёл алайҳиссалом дўстлари бир овоздан:

- Сен у тушни бизга айтиб бер, биз ҳам унинг йўримини айтишлик, — дейишди.

- Мен тушни унутдим (14). Агар сиз бу тушни йўримини айтмасангиз, сизларнинг умуртқа суягингизни суғириб оламан!, — деди Бухтуннассор Дониёл алайҳиссалом уч дўсти билан Бухтуннассор хузуридан чиқдилар.

Аллоҳга дуо этди, тазарру ва ниёз қилдилар (15).

Ўзларига ёрдам этишини (16), ҳукмдор сўраган нарсанинг ўргатилишини тиладилар.

Аллоҳу Таоло у нарсани ўргатди. Улар дархол Бухтуннассорнинг хузурига чиқдилар.

Унга:

- Сен бир ҳайкал кўрибсан, — дейишди улар.

- Тўғри айтдингизлар, — деди Бухтуннассор.

- Бу ҳайкалнинг икки оёғи

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (15).

чиннидан, икки тиззаси ва болдирлари мисдан, қорни кумушдан, кўкраги олтиндан, боши ва бўйни темирдан эди, — дейишди улар (17)

- Тўғри айтдингизлар, — деди Бухтуннассор (18)

Дониёл ва дўстлари йўримни давом этдирди:

- Сен бу ҳайкални ҳайратли томошо қилиб турганингда, Аллоҳу Таоло унинг устига бир қояни кулатди ва ҳайкални парчалади. Худди мана шу воқеа тушингни унуттирди, — дейишди улар.

- Тўғри сўйладингизлар, — деди Бухтуннассор.

Дониёл ва дўстлари:

- Бу тушнинг йўрими шундай: Сенга қиролларнинг қудрат ва тасарруф ҳолатлари кўрсатилди. Илк қудрат ва тасарруф чинни бўлиб, бу энг заиф ва юмшоқ эди. Унинг устидаги мис биринчидан устунроқ ва гўзалроқ эди. Иккинчи қудрат ва тасарруф (тимсоли) кумуш мисдан устун ва гўзал эди. Кумушдан устуни олтин эди. Унинг устидаги темир бу сенинг қудрат ва

тасарруфинг эди. Аввалгиларнинг ҳаммасидан устун ва қаттиқ эди (19).

Сенинг кўрққанинг қоя эса Аллоҳнинг ҳайкални парчалаган қояси бу охиризамонда Аллоҳу Таолонинг (самодан индиражаги бир китоб билан) юборажак бир пайғамбардир-ки, у ҳаммасини парчалайжак, амр уники бўлажак, унга бориб таянажак, — дейишди (21).

### Дониёл алайҳиссаломнинг эътибор қозониши

Дониёл алайҳиссалом Бухтуннассорнинг тушини (22) айтиб бериб (23), уни йўримлаганда (24) Бухтуннассор унга ва унинг дўстларига кўп икром қилди.

У Дониёл алайҳиссаломни тез-тез қабул этар (25) қилмоқчи бўлган ишларини у билан (26) ва унинг дўстлари билан (27) маслаҳатлашарди (28).

Бухтуннассор Дониёл алайҳиссаломни устун мақомларга кўтарди (29).

Дониёл алайҳиссалом унинг ёнида инсонларнинг энг шарафлиси ва суюклиси бўлганди (30).

### Дониёл алайҳиссаломнинг кейинги аҳволи

Ривоятга кўра, Бухтуннассор ва

ундан ҳам юксакроқ мақомдаги Буюк қирол Луҳрасб ўлгандан кейин, унинг ерига ўғли Бештасп бин Луҳрасб ўтирди.

Бештасп Шом ўлкасининг ҳароб бўлиб (31), Фаластин тупроқларида ваҳший ҳайвонлар кўпайганини (32) ва у ерда инсон зоти қолмаганини эшитиб, Бобилдаги Исроил ўғилларининг ватанига қайтишига изн берди. Ва Довуд ўғилларидан бир зотни уларга бошлиқ қилиб, Байтулмақдиси тиклашни (33) ва у ерда масжид қуришни амр этганди (34)

Бошқа ривоятга кўра, Исроил ўғилларининг юртларига қайтариш ташаббуси Эрон ҳукмдори Баҳмондан чиққан эди (53). Аммо Бобил волийси Аҳши Яраш Дониёл алайҳиссалом, Азаря, Хананя, ва Мушаллаларнинг Байтулмақдисига кетишига изн бермаганди (36-37-38).

### Анбиё суратларининг Дониёл алайҳиссалом тарафидан чизилиши

Одам алайҳиссалом

ўз зуриётидан келадиган пайғамбарларни кўришни Аллоҳу Таолодан тилаган эди.

Аллоҳу Таоло уларнинг суратларини (39) Жаннат ипақларидан (40) Одам алайҳиссалом учун (41) нақш этиб (42) унга индирганди (43).

Бу суратлар Одам алайҳиссаломнинг (Қуёш ботган ердаги) маҳзанида сакланарди (44). Зулқарнайн алайҳиссалом уни топди (45). Ва бу суратларни Одам алайҳиссалом маҳзанидан (46) чиқариб, Дониёл алайҳиссаломга берди (47).

Дониёл алайҳиссалом уларга қараб (48), бу суратларни (49) ипақ газмолга (50) кўчириб, чизди (51). Бу расмлар Зулқарнайн алайҳиссаломнинг топган суратлари билан айни эди (52).

Одам алайҳиссаломдан бошлаб, Мухаммад алайҳиссаломгача бўлган баъзи пайғамбарлар тасвирланган бу суратлар (53) қиролдан қиролга ўтиб, Қайсар Ҳераклусга қадар келганди (54). Рум Қайсари Ҳераклус бу расмларни битта-битта чиқариб, Ҳазрати Абу Бакр юборган элчиларига кўрсатган эди (55).

### Дониёл алайҳиссалом вафоти

Дониёл алайҳиссалом бир муддат Бобилда истикомат қилди (56). Кейин Ҳузистоннинг (57) Сус (58) ноҳиссига ерлашди (59). Ўша ерда вафот этди (60). Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин.

Дониёл алайҳиссаломнинг жасади, қабри Сусдадир (61). Аллоҳу Таоло Ҳазрати Умар ҳалифалигида Сус шаҳрини Абу Мусо ал-Ашъарийнинг қўли билан фатҳ этди. Абу Мусо Сус қироли Сабурни ўлдирди.

Шаҳардаги нарсаларни, Сабурнинг мол-мулкани ғанимат ўлароқ олди. Мол-мулкига боқар экан, қулфли бир маҳзан (омбор) кўрдилар. Қулф қалай билан муҳрланганди.

Абу Мусо Сус халқидан:

- Бу омборда нима бор?, — де сўради.

- Эй амир, унинг ичида сенга ярайдиган бирор нарса йўқ, — дейишди.

- Унинг ичида нима борлигини муҳаққақ билишим керак, — деди Абу Мусо.

Қулфни синдириб, маҳзанга кирдилар.

(Давоми келгуси сонда)



## Рефат Чубаров: «Россияда демократия ҳам адолат ҳам йўқ»

Мен Россияга илтимос билан ёки норозилик билдириб мурожаат қилмоқчи эмасман.

Бунинг ҳеч қандай маъноси йўқ, зеро Россияда демократия ҳам адолат ҳам йўқ.

Ушбу сўзлар яқиндагина Россиянинг Қиримдаги ишғолчи режими тарафидан ярим оролга кириши таъқиқланган қирим-татарлари Мажлиси (миллий парламент) раҳбари Рефат Чубаров томонидан янгради.

Чубаровнинг сўзларига кўра, россия ҳукумати Мажлисга босим қилишда давом этмоқда.

«Улар Мажлис бўлмаса қирим-татар жамоатчилиги етакчисиз қолади деб ўйлашмоқда. Лекин биз бу босимга нуқта қўйиш йўлларини излашда давом этамиз», — дея Мажлис раҳбари сўзларидан иқтибос келтиради Anadolu агентлиги.

Чубаровнинг сўзларига кўра, Қиримнинг аннексия қилиниши билан бутун дунё Россияда ҳукм сўраётган адолатсизликка гувоҳ бўлди.

«Россияда қирим-татарларнинг ҳолати яхшиланмайди. Ноқонуний ҳукумат хаттоки мусулмон масжидларига бораётганларни ҳам назоратга олмақда. Ҳар қандай эркин фикрловчи таҳдид остида. Уларнинг вазифаси одамларни кўрқитишдан иборат.

Кўрқмайдиغانларни ва бўйсунмайдиганларни қамоқ кутмоқда», — дея таъкидлайди Чубаров.

Туркия ташқи ишлар вазирининг таклифига биноан Анқарага келган Чубаров журналистларга Туркия ташқи ишлар идораси раҳбари билан

қирим-татар жамоатчилигининг ўз ватанлари бўлган Қиримга эмин-эркин бориб келишларини қайта тиклаш йўлларини муҳокама қилганини билдирди.

Турк журналистлари билан қирим-татар халқининг афсонавий лидери, Украина депутати Мустафо Жамил ҳам мулоқот қилди.

«Россия фуқаролигини олмаган Қиримликларга бегоналардек муомала қилишади. Улар ўз уйларида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўла олишмайди. Улар ўз ватанларида бир йил мобайнида 180 кундан ортиқ яшаш ҳуқуқларига эга эмаслар. Улар сайлов ҳуқуқларига эга эмаслар. Ўз тупроқларида улар ишғолчилар ўрнатган қоидалар бўйича яшашга мажбурлар. Россия паспортларини олишга мажбурлар, ўзлари бунга исташмаса ҳам. Бу тизим эски совет тизимига жуда ўхшаш. Ҳеч қандай эркинлик йўқ, ОАВ ҳукумат назоратида. Бу ҳам етмаганидек моддий аҳволи ҳам оғирлашиб бормоқда», — дейди Мустафо Жамил.

Унинг сўзларига кўра, халқаро ҳамжамият Россия ҳақиқатда жиддий таъсир қиладиган санкциялар жорий қилиши лозим. БМТ Украинанинг худудий ялтилигини қўллаб қувватлайди, бироқ амалга оширилаётган қадамлар самара бераётгани йўқ.

«Улар яна нимани кутишмоқда, биз билмаймиз. Бироқ биз ўз курашимизни давом эттираемиз. Қирим ишғолчилардан буткул озод бўлмагунча бу кураш тўхтамайди. Бунинг учун барча имкониятларни ишга соламиз», — дея ўз сўзига якун ясади Жамил.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Рус миллатчилари Путинни сотқинликда айблашмоқда

Қиримнинг оккупация қилиниши ва Украинага қарши парда ортидан олиб борилган уруш президент Путинга Россия фуқаролари орасида машҳурлик олиб келганди. Бироқ, эндиликда Кремлнинг Украина шарқидаги жангариларга ёрдам беришдан бош тортиши ортидан рус миллатчилари Путинни сотқинликда айблашни бошлади, деб ёзади The Washington Times.

Рус миллатчиси Александр Дугиннинг америка нашрига изоҳ беришича, Путин кучли лидер бўлганлиги туфайли улар Путин тарафдалар, бироқ Россия президентининг Украина шарқида қўшин киритишдан воз кечганлиги сабабли кўпчилик ўзларини алдангандек ҳис қилишмоқда. Ҳозирда кўпгина россиялик ватанпарварлар Путиндан юз ўгириш арафасида.

Дугиннинг фикрига кўра, ҳозирда Путинда ўзини қўллаб-қувватлаётганларни йўқотиб қўйиш хавфи бор. Бундан ташқари мақола муаллифларининг қайд этишича, Донбасс худудидаги террорчиларнинг лидерлари аллақачон Путинни ва Россияни сотқин деб аташни бошлашган.

«Донецк халқ республикаси» лидери Денис Пушилиннинг таъкидлашича, Путин айирмачиларга умид берган ва улар Путинга ишонишган. Кейин эса уларни тарк этган.

«Путиннинг этник русларни ва Янги Россияни ҳимоя қилиши ҳақидаги сўзлари жуда жозибали эди, бироқ афсуски буларнинг барчаси куруқ гап бўлиб чикди», — дея нолиди Пушилин.

Ўз навбатида мақолада айтиладики, Путиннинг ҳаракатсизлиги нафақат ЛХР ва ДХР раҳбарларининг, балки Украина шарқида жанг қилиш учун келган ёлланма-миллатчиларнинг ҳам жаҳлини чиқарган. Ҳозирда ижтимоий тармоқлардаги россия форумларида Путиннинг сотқинлиги ва жангариларни сотгани тўғрисидаги ҳақоратли баёнотлар тўлиб тошган. Путиннинг ўзига эса Игорь Стрелков сингари жангариларнинг лидерлари яна қайтиб Россия худудига кириши фойда эмас.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Собиқ туркманбошининг китоби ўқув дастурларидан чиқариб ташланди

Туркменистон президенти ўз ўтмишдошининг китобини давлат таълим дастурларидан чиқариб ташлади. Бу мастабид собиқ президент меросини буткул ўчириб ташлашга бўлган сўнги қадамлардан бўлди.

9 июль, чоршанба куни Туркменистон президенти Курбонқули Бердимухамедов олий ўқув юртрларига кириш синовларида собиқ президент Сапармурат Ниёзовнинг «Рухнома» китоби асосида ўтказиладиган имтиҳоннинг бекор

қилинганлигини эълон қилди. Ниёзов ўзининг ушбу китобини уч маротаба ўқиган одам жаннатга киришини башорат қилган эди.

Кўпчилик кузатувчиларнинг фикрича, ушбу пост-совет республиканинг биринчи президенти сифатида Ниёзов ўз шахсиятини жуда севадиган, шаҳарлар, кўчалар ва ойлари номини ўз номига ўзгартирган жуда ғалати одам бўлган. Унинг китоби мактабларда мажбурий тарзда ўқитилган. 2006 йилда Ниёзовнинг ўлиmidан сўнг ҳокимиятга келган



Бердимухамедов ойлари эски номларига қайтарди, бироқ, жуда кўплаб ёдгорликлар ва кўча номлари ҳамон унинг номи билан аталмоқда.

AP, St.L.Today,  
2014 йил 9 июль

Таржима – “uzxalqharakati.com”



## Камчаткадаги аксарият меҳнат муҳожирлари Ўзбекистонлик

Камчатка минтақаси прокуратурасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Жамоат кенгаши ва жамоат бирлашмалари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. REGNUM ахборот агентлиги муҳбирининг прокуратура маълумотларига таяниб хабар беришича, Камчатка прокуратураси 2014 йилнинг беш ойи мобайнида 8653 та чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатга қўйилган, 4117 та шахс эса рўйхатдан чиқарилган. Минтақадаги чет эллик муҳожирлар билан боғлиқ вазиятни агентлик муҳбири қуйидагича таърифлайди:

«Минтақа ҳудудида 4207 та чет эллик меҳнат муҳожирлари расмий равишда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Ҳар доимгидек «яқин ҳориж» ўлкаларидан келган муҳожирлар орасида Ўзбекистон, «узқ ҳориж» ўлкаларидан келган муҳожирлар орасида эса Хитой фуқаролари етакчи. Уларнинг асосий меҳнат фаолияти қурилиш соҳаси билан боғлиқ. Чет эл фуқаролари орасидаги жиноятчилик даражаси пастлиги сақланиб қолинмоқда. Беш ой давомида улар томонидан 35 та жиноят содир қилинган бўлиб, асосан, ўғирлик билан боғлиқ жиноятлардир. Бироқ, номусга тегиш ва ҳужжатларни сохталаштириш жиноятлари ҳам учраб туради. Чет эл фуқароларига қарши эса еттита жиноят содир қилинган бўлиб улар орасида ҳам ўғирлик етакчи ўринда. Кўпгина ҳолатларда жиноят қурбонлари Ўзбекистон фуқаролари бўлиб чиқмоқда».

ЎХХ ахборот бўлими

## Шинжонда 32 уйғур турли муддатларга қамалди

Хитойнинг Шинжон уйғур муҳтор минтақасида 32 нафар уйғур экстремистик адабиёт тарқатиш ва террорчи гуруҳларни тузишда айбдор деб топиб, турли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу ҳақда 11 июль куни Associated Press берган маълумотга таяниб lb.ua хабар тарқатди.

Хабарга кўра, айбланувчилардан уч нафари бир умрлик, қолганлари эса тўрт йилдан 15 йилга қадар қамоқ жазоларига ҳукм этилган.

Хитойлик расмийлар жангари уйғур гуруҳларини мамлакат бўйлаб ортиб бораётган зўравонликларни содир этишда айблаб келади.

Хитой охириги вақтларда фуқаролар ва давлат мулозимларига қарши бир нечта йирик ҳужумларга гувоҳ бўлди. Утган йил октябр ойида Пекиндаги Тянанмен майдонида юз берган машина портлашида беш нафар инсон ҳалок бўлганди. Ортидан Урумчи ва Кунминг темир йўл станцияларида ҳужумлар содир этилди. Шинжон маҳкамаси

32 нафар айбланувчини ўз мобил телефонлари ва ижтимоий медиа тармоқлар орқали экстремистик ва террорга алоқадор мавзулардаги материалларни тарқатишда айбдор деб топган.

Айбланувчилар шунингдек, террорчи гуруҳларни ташкил қилиш ва идора этиш, портловчи моддаларни ясаш ва «миллий адоват кўзғатиш»да айбдор деб топилган. Хитойнинг Шинжонда олиб бораётган сиёсатини танқид қилувчилар минтақада радикализм ва бўлгинчилик кайфиятининг ортиб бораётганига иқтисодий нотенглик, маданий босим ва диний таъқибларни сабаб қилиб кўрсатишади.

Хитой Шинжон минтақасини ривожлантириш учун у ерга йирик сармоялар киритаётганини айтади, аммо баъзи уйғурлар уларнинг аъналарини ва эркинликларини йўқ қилинаётганидан ташвишда эканликларини айтишади.

UZBEK.FM

Машинамни устага бериб, бир пиёла чой ичай деб, кафега кирдим, кўзим ям-яшил қурбақанинг ҳайкалчасига тушди. Унинг атрофида тангалар сочилиб ётар, оғзида эса ўша тангалардан бирини тишлаб турарди.

Мен сотувчи қиздан қурбақа бу ерга нима учун қўйилганлигини сўрадим. «Клиентлар кўпроқ келиши учун. У пул чакириб туради», — деди қиз.

Табиийки, мен ризқни фақат Аллоҳ беради, деб тушунтиришга уриниб кўрдим, лекин қизни ҳайкалчани олиб ташлашга кўндиролмадим. Шу воқеадан кейин қаерга борсам, мана шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бера бошладим.

Афсуски, бундай «омад туморлари» деярли ҳар бир дўконда, улгуржи бозордаги контейнерларга кираверишда, хуллас, савдо бўлиб турган ҳар қандай жойда турарди.

Баъзи биродарлардан сўрагим келди: «Клиентларни», пулни ким беради деб ўйлайсиз ўзи?». Аллоҳ ёзмаган ризқни қандай қилиб Сизга фэн-шуй қурбақаси бериши мумкин? Бу қилмишингизга Аллоҳнинг ғазоби келиб, борини ҳам олиб қўйса, ўзингизни ўша қурбақа ва бошқа шундай ҳайкалчаларга зор қилиб ташлаб қўйса, ҳеч хайрон қолмаслигимиз керак.

Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Албатта, Аллоҳ Ўзи ризқ берувчи, қувват эгаси, шиддатлидир» («Зарийат» сураси, 58-оят).

Хўш, бу фэн-шуй нима ўзи? Фэн-шуй – мажусийлар фалсафасидир, яъни шамол худоси, сув худоси, ер худоси ва шу қабиларга ишониш ва сиғинишдир. Фэн-шуй одамларни ҳар хил туморлар, тошлар, ҳайкалларга ишонишга ундайди.

Масалан, Хитойда бир жуфт куш (кўпинча ўрдак) «севги тумори» деб ҳисобланади. Хитойда шундай, русларда эса сеvgи тумори ролини бир жуфт турна ёки ғоз бажариши мумкин.

Яшил аждаҳо эса саломатлик ва оилавий муносабатлар тумори ҳисобланади. Буни қарангки, қора тошбақа карьера тумори экан.

Сўнгги пайтларда интернетда, бошқа оммавий ахборот воситаларида фэн-шуй ҳаракатининг «фэн-шуй ёрдамида бойлик ва пуллар», «фэн-шуй ва сеvgи» ва шу каби ажойиб-ғаройиб



## Фэн-шуйми ё Аллоҳнинг раҳмати?

рекламасини учратиш мумкин.

Энг кенг тарқалган «оилавий бахт хомийси» уч панжали қурбақа экан. Оғзида битта ёки учта танга тишлаб олган бундай қурбақа бойлик рамзи ҳисобланар экан.

Шундай қилиб, мусулмонларнинг қалбига аста-секинлик билан ширкнинг ҳар хил кўринишлари кириб келиб, уларни бутун оламни яратган ҳақиқий Яратувчидан, раҳмат, ризқ, ҳаёт ва саломатлик ато этувчи Аллоҳдан чалғитмоқда.

Қарабсизки, инсон ўзи сезмаган ҳолда бир пайтнинг ўзида Аллоҳга иймон ҳам келтиради, бироқ... бутлардан ҳам раҳм-шафқат сўрайди.

Бир ўйлаб кўринг: хитойлар нимани кадрлайдию, кимга ибодат қилади?

Хитой афсоналари турли хил «худолар»га жуда бой. Хитойлар бу «худоларнинг хурматини жойига қўяди, уларга сиғинади.

Бироқ, Аллоҳ таоло «Зарийат» сурасининг 51-оятда шундай марҳамат қилган:

«Ва Аллоҳга бошқа маъбудни шерик қилманглар. Албатта, мен сизларга Ундан (келган) очик-ойдин огоҳлантирувчиман».

Албатта, пул, бойлик, мол-дунё кўпчиликнинг ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Албатта, камбағал бўла туриб бахтли бўлиш жуда қийин бўлса керак, эҳтимол, шунинг учун инсон бу дунёнинг бойлигига

интилади, кўпинча бу бойликни қайси йўл билан топаётганлигига эътибор бермай қўяди. Ҳар хил туморлар, қурбақачалар, филлар уйимга ризқ, барақа чакириб туради, деган ёлғон ақида оқибатида куфрга кетиб қолади.

Шак-шубҳа йўқки, бу ишларни инсоннинг кўзига зийнатлаб кўрсатаётган, уни Аллоҳнинг йўлидан буриб юборишга уринаётган шайтоннинг ўзгинасидир.

Аллоҳ таоло Ўзининг муборак Каломида шундай марҳамат қилади:

«У: «Эй Роббим, мени залолатга кетказганинг сабабидан, албатта, мен уларга ер юзида (гуноҳларни) зийнатлаб кўрсатаман ва, албатта, уларнинг ҳаммасини иғво қиламан. Магар, улардан танланган бандаларингни (адаштира олмасман)», деди.

У зот:

«Ушбу зиммамдаги тўғри йўлдир: албатта, Менинг бандаларим устида сенинг султонинг йўқдир, магар сенга эргашган гуноҳларгагина бордир» («Ҳижр» сураси, 39-42-оятлар).

Абу Муслим

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Мухаррир: Замир Малик